



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 2 июнь, № 107 (6542) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда она-юртимиз, Ўзбекистонимизнинг жадал тараққий этиб, барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритаётганини, диёримизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта, фаровон ҳаётни, файз ва кут-баракатни халқимиз авваламбор Яратганимизнинг чексиз марҳамати сифатида шукроналик ва розилик билан қабул қилмоқда.

Шу борада эл-юртимиз учун эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамизи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга мансуб олижаноб фазилатларни, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2016 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 6 июнь кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва уйғун тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муқаддас Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз арконларини эъзозлаш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни ўзаро яхшилик қилишга, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашга даъват қилишга қаратилган кенг қўламли савобли амаллар ва тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу кутлуғ ойда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларини ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 1 июнь

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасида Корея Республикасининг "Lotte Mart" компанияси делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ҳамда Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳада изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

"Lotte Mart" компанияси озик-овқат, кийим-кечак, электр техникаси каби кенг турдаги маҳсулотлар савдога ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланиди. Учрашувда ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболга оид кенг қўламли масалалар муҳокама қилинди.

Жанубий кореялик ишбилармонларга мамлака-

тимизнинг экспорт салоҳияти, Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, тўқимачилик ҳамда озик-овқат саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, мазкур соҳаларга сармоя киритиш истикболлари, қулайлик ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди.

Меҳмонлар тўқимачилик, боғдорчилик, мева-сабзавотчилик, озик-овқат соҳаларида фаол иш юритаётган бир қатор корхоналар ҳамда фермер хўжалиқларида бўлиб, маҳсулот етиштириш, сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш жараёни билан танишди.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

1 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ҳамда 2016 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди.

Мажлисида тегишли вазирилик ва идоралар раҳбарлари, соҳа экспертлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ҳисобот давридаги ижроси асосида қабул қилинган «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ олдиндан барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида, қуйи палатанинг бир қатор қўмиталарида ҳукумат вакиллари, Молия вазирлиги, бошқа манфатдор идоралар раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди. Муҳокама ўткази-

лишдан олдин қўшимча материаллар ва маълумотлар сўраб олинди ҳамда мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижроси этилиши механизмининг янада такомиллаштиришга қаратилган талай амалий таклифлар билдирилди.

Куннинг биринчи ярмида депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ижросини кўриб чиқди. Мазкур масала юзасидан молия вазири Р. Азимов маъруза қилди, қўшимча маъруза билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А. Шодмонов сўзга чиқди.

Таъкидлаб ўтилдики, ҳисобот даврида Давлат бюджетни мамлакатимиз парламенти томонидан илгари тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил январь ойидаги мажлисида белгилаб берилган мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устуворликлари аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилганлиги иқтисодиётнинг барқарор ўсишини ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлади. Янги ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 8,8 фоиз, чакана товар айланishi 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми — 10,8 фоиз ўсди.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

Италиянинг Казерта шаҳрида республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва инвестициявий салоҳиятига бағишланган тақдирот бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Римдаги элчихонаси томонидан мезбон давлатдаги "Confindustria" саноатчилар уюшмаси кўмағида ташкил этилган мазкур тадбирда Кампания минтақаси бизнес доиралари вакиллари қатнашди.

«Ўзбекистоннинг юқори сифатли маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда»

Маълумки, Апеннин яриморли жанубида жойлашган Кампания минтақасида қарийб 6 миллион аҳоли истиқомат қилади. У ерда Авеллино, Беневенто, Казерта, Неаполь ва Салерно провинциялари жойлашган. Қишлоқ хўжалиги, кимё ҳамда тўқимачилик саноати, сопол, шиша ишлаб чиқариш, кemasozлик ва сайёҳлик ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқлари ҳисобланади. Тақдирот чоғида иштирокчилар республикамизни 2016 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш янқуларни, мамлакатимизда рўй бераётган тизимли ўзгаришлар ҳамда давлатнинг

сармоявий сиёсати оид маълумотлар билан яқиндан танишдилар. Учрашув доирасида Ўзбекистоннинг Италия билан ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлигидаги устувор йўналишлар атрофида муҳокама этилди.

Унда сўзга чиққан "Confindustria" уюшмаси халқаро бўлими бошлиғи Анжела Ренга Кампания минтақаси тадбиркорларида ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ўзаро манфатдор алоқаларни кенгайтириш юзасидан жуда катта қизиқиш мавжуд эканлигини маълум қилди.

— Юртингизда бизнес юритиш учун тақдим этилган шароитлар, қулай ишбилармонлик муҳити, хо-

рижлик инвесторлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича яратилган кафолатлар менда катта таассурот қолдирди, — деди у.

Сертификатлаш ва мутахассислар тайёрлашга иштирок этишга қаратилган "QMS Srl" компанияси бошқарувчи директори Максимилиан Паскавалини юртимизнинг чуқур ўйланган иқтисодий ҳамда инвестициявий стратегияси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажми жадал ўсишини таъминлаётганини эътироф этди.

(Давоми 2-бетда).

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ УСТУВОР МАҚСАДИДИР



2016 йил — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ҳар бир эзгу савий-ҳаракат "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун" деган улғувор мақсадга қаратилганлиги туфайли янада аҳамиятлидир. Бу бежиз эмас. Чиндан ҳам, янгиланишларнинг туб мазмун-моҳиятига эътибор берсак, уларнинг барчаси шу муқаддас Ватанда азиз саналган инсон учун эканлиги яққол намойён бўлади.

Бу ўринда юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларни алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, бугун аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомилалар аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш, уларнинг овқат рациони, сифати ва калорияси каби муҳим саналган масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Мазкур устувор вазифаларни бажаришда мунтазам ўтказилаётган тиббий кўриклар, ижтимоий акцияларнинг аҳамияти тобора ошиб бораётир. Соғлиқни сақлаш вазирилиги

матлиги билан қизиқиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Шу боис ҳам, навбатдаги ҳафталикнинг қамрови янада кенгайди: ишлаб чиқилган режага мувофиқ, жарроҳ, акушер-гинеколог, терапевт, педиатр, невропатолог, кардиолог, эндокринолог, офтальмолог, оториноларинголог, уролог, ортопед-травматолог, стоматолог, дерматовенеролог каби ўнлаб мутахассислар турли ёшдаги аҳолини малакали тиббий текширувдан ўтказди.

— Истиклолнинг илк йилларида-ноқ Президентимиз инсон ва унинг манфаатлари ҳамма нарсадан устун эканлигини таъкидлаб, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш масаласига энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратганлари ўзининг юксак натижаларини бермоқда, — дейди Республика иқтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори Умида Комилова. — Ўзбекистон тиббиётида эришилаётган ютуқлар бугун халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилаяпти.

(Давоми 3-бетда).

КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

Мустақиллик — улугъ неъмат. Зотан, қўлга киритилаётган барча муваффақиятларимиз, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори, шубҳасиз, ана шу омилга боғлиқ.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ САОДАТИ

Истиклолимиз туфайли миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, ўзликни англаш сари дадил қадамлар қўйилди. Асосий Қонунимизда виждон эркинлиги кафолатланди. Бугун юртимизда турли миллат ва элат вакиллари дини ҳамда эътиқодидан қатъий назар, аҳил-иноқ ҳаёт кечираётир. Ҳар бир фуқаро шу азиз юрт менинг Ватаним, унинг истиқболи менинг, фарзандларимнинг ёрқин келажагидир, деган фикри ўй билан яшаяпти. Бугун юртимизда кечаётган ўзгаришлар, янгиланишлар эндиликда ҳар биримизнинг ҳаётимизга, турмушимизга ўзгача шукҳу олиб кираётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Бу, ҳеч шубҳасиз, мустақилликнинг илк йилларида ишлаб чиқилиб, амалиётга таъбиқ этилаётган тараққиётнинг "ўзбек модели" самараларидир. Унинг асосида рўёбга чиқарилаётган ислохотлар эса изчиллиги ва узвийлиги билан янада аҳамиятлидир. Хусусан, истиқболимиз учун муҳим саналган ҳар бир масалани йиллар давомида босқичма-босқич муфассал амалга ошириш тажрибаси бугун

халқаро жамоатчилик томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

Шу жиҳатдан айтганда, жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номланган чукур рамзий маъно бор. Ҳақиқатан ҳам, болажонлар — истиқлолимиз таянчи, бизнинг келажагимиз. Улар тимсолида Ватанимизнинг эртанги кунини кўраемиз. Бинобарин, ўсиб келаётган ёшларимизнинг баркамол этиб тарбиялаш бугуннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Мамлакатимизда ана шундай устувор вазифалар ижроси юзасидан изчил чора-тадбирлар олиб борилаётир. Хусусан, айна кунларда юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида ўтказилаётган "Ким эдигу ким бўлдиқ, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзусидаги тарғибот тадбирлари ҳам жамиятимизда ёшлар фаоллигини янада ошириш, уларнинг юрт тараққиётида нечоғли муҳим мавқега эга эканлигини англаштишга хизмат қилади.

(Давоми 4-бетда).

Навқирон авлод анжумани

Тошкент вилоятинда "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бошланди.

Ушбу акция олдидан ташкил этилган матбуот анжуманида мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни камолга етказиш борасида ҳаётга таъбиқ этилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги



"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда

167,4 мингта янги иш ўрни яратилди.

Юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган аниқ мақсадли дастурлар ижроси туфайли ана шунча киши доимий даромад манбаига эга бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мамлакат бюджети ҳисобот даврида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил этди, яъни прогноз параметрлари доирасида бўлди.

Эришилган натижалар, депутатлар фикрича, иқтисодиётда ижобий таркибий сил-жишларга, сифат ўзгаришларига ва ижобий тенденцияларга, шунингдек, самарали пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати ўтказилишига хизмат қилди, булар аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишига ёрдам берди.

Ўтган йили ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг турмуши сифати ва даражасини муттасил ошириш масалаларига ҳукумат томонидан катта эътибор қаратилди. Жумладан, 2015 йилда аҳоли жон бошига реал жами даромадлар 9,6 фоиз кўпайди, бюджет ташкилотлари ҳодимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар миқдори 21,9 фоиз ўсди.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар ўз сайловчиларининг манфаатларидан, партия дастурининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг устувор йўналишлари бўлган кичик бизнеснинг ривожланишини кўлаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш, давлатнинг иқтисодиётдаги

ланиш” демократик партияси фракциясининг аъзолари партиянинг дастурий мақсадлари ва вазифаларига таянган ҳолда, Давлат бюджети асосий параметрларининг ижросини таъминлашда иқтисодиётни ривожлантириш, диверсификация қилиш ва таркибий жиҳатдан ўзгаришларнинг “Ўзбек модели” асосида бозор муносабатларини босқичма-босқич ривожлантиришга, ишлаб чиқаришга янги, илгор технологияларни жорий этишга қаратилган изчил ислохотларга эътибор қаратилганини, бу эса жаҳон майдонида миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширишга кўмаклашувчанлигини алоҳида таъкидлади. Бу мамлакатимиз Президентининг томонидан белгилаб берилган, 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишлари ва вазифалари тизимли равишда амалга оширилаётганлигидан, иқтисодиётнинг юксак ўсиш суръатлари таъминланаётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизнинг тарихий-меъморий, гуманитар меросини асраш ва сақлаш учун харажатларнинг ҳажмлари кўпайтирилди. Ана шу мақсадлар учун Давлат бюджетидан сарфланган маблағлар юртимиз маданий ва археологик мероси объектларини таъмирлаш ҳамда консервация қилиш бўйича дастурлар ижросини таъминлашга хизмат қилади. Шу муносабат билан фракция депутатлари маҳаллий бюджетлардан ажратилаётган маблағларнинг сарфланиши устидан парламент назоратини кучайтиришга қаратилди. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остидаги маҳсулотни жаҳон бозорига чиқаришга, шунингдек, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқараётган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама кўлаб-қувватлашга доир тизимли чора-тадбирларни давом эттириш зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Депутатлар Бюджет кодексининг қоидаларини амалга ошириш, молия интизомига риоя этилишини таъминлаш, маъмуриятнинг аҳоли билан муносабатларини янада муволазатли ривожлантириш учун мустақкам асос яратилди. Бунда Давлат бюджети профицит билан ва Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ ижро этилди. Илм-фанни ривожлантириш-

дан сўзга чиққанлар ўтган йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари ҳукуматнинг диққат-эътиборида бўлганлигини қайд этди. Ҳисобот даврида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш харажатларини Давлат бюджетидан молиялаштириш ҳажми умумий харажатлар ҳажмининг 58,8 фоизини ташкил этди.

Халқ демократик партияси депутатлари ўтган йилда ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларига ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва аниқ йўналтирилган ҳолда фойдаланилганлигини, Бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармаси даромадлари шаклланишининг ҳамда унинг харажатларидан самарали фойдаланилганлигини таъкидлади. 2015 йилда кадрларни қайта тайёрлаш, ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб қилиш ва ишсизлик нафақаларини тўлаш йўли билан жамғарма маблағлари ҳисобидан 4,4 миллиард сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилган.

Айрим бюджет ташкилотларида ва бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда бюджет маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз тарзда фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда, депутатлар марказда ва жойларда бюджет маблағларини самарали ҳамда мақсадли сарфланишини таъминлаш борасида давлат ва ҳўжалик босқаруви органларининг масъулиятини ошириш, шунингдек, Бюджет кодекси нормалари ва қоидаларининг ижроси устидан назоратни янада кучайтириш бўйича бир қатор тавсиялар билдирди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари фикрича кўра, 2015 йилда иқтисодий дастурнинг тизимли равишда ижро этилиши натижасида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиши таъминланди, иқтисодиётнинг барча соҳаси ва тармоқларини янада муволазатли ривожлантириш учун мустақкам асос яратилди. Бунда Давлат бюджети профицит билан ва Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ ижро этилди. Илм-фанни ривожлантириш-

га катта эътибор қаратилганлиги, бу эса мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлардан далолат бериши алоҳида эътибор этилди. Хусусан, ҳисобот даврида илм-фанни ривожлантиришга 2014 йилнинг худди шу давридагига нисбатан 15,9 фоиз кўп маблағ ажратилди. Бунда тармоқлар бўйича давлат илмий-техника дастурларининг устувор йўналишларини молиялаштиришга 137,4 миллиард сўм йўналтирилди.

Инновацион ишланмалар дастурларини молиялаштиришга, ноёб объектларни ва илм-фанга хизмат кўрсатувчи муассасаларни сақлаш харажатларига, илм-фанни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа харажатларга ҳам катта миқдорда маблағлар ажратилди. Бу партиянинг дастурий мақсадларига тўлиқ мос келиб, партия доимо илм-фанга эътиборни кучайтириш, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга ва кундалик ҳаётга фол таъбиқ этишини ёқлаб чиққан.

Фракция аъзолари давлат илмий-техника дастурларининг, соҳалар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг, шунингдек, инновацион ишланмалар дастурларининг устувор йўналишларини молиялаштиришнинг янада мақбуллаштириш юзасидан тақлифлар билдирди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзолари атроф-муҳитни ва аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари қаторига киритилганлигини таъкидлаб ўтди. Шу боис Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, ҳозирги ва келгуси авлодлар учун атроф-муҳитни сақлашга қаратилган йўл танаб олинган эди.

Мажлисида депутатлар гуруҳи аъзолари мамлакатимизда атроф-муҳитни ва аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этиш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирларни ижобий ўсиши таъминланди, Хусусан, 2015 йилда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун Давлат бюджети харажатлари 699,9 миллиард сўмни ташкил этди. Шу жумладан, сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилишга 18,6 миллиард сўм, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга 7,1 миллиард сўм ва биохимиялик-

ни сақлаш учун 7,3 миллиард сўм ажратилган.

Муҳокама давомиде билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифларни инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет-тининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ҳақида тегишли қарор қабул қилди.

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев маъруза билан сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 январда Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда бошланган тизимли демократик ислохотларнинг ва модернизациялашнинг, иқтисодиётдаги, биринчи навбатда, санаоат ва қишлоқ ҳўжалигидаги чуқур таркибий ўзгаришларнинг сўзсиз давом эттирилиши, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг илдам ривожланиши ва ушбу соҳа субъектлари манфаатларининг ҳимоя қилиниши, макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворлиги бўлиши кераклиги қайд этилди.

Мажлисида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳисобот давридаги ижроси Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси асосида Олий Мажлис ва давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ амалга оширилганлиги таъкидланди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди.

Иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминловчи стратегиянинг амалга оширилишини давом эттириш ва бунинг учун иқтисодиётнинг мавжуд захиралари ва имкониятларини жалб этиш мамлакатимиз ЯИМининг 7,5 фоиз ошишини таъминлаш. Бунда инфляциянинг паст даражаси макроиқтисодий

барқарорликни янада мустақкамлади. Санаоат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 7 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 6,7 фоиз, хизматлар ҳажми — 12,1 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми — 12,8 фоиз ўсди.

Иил бошидан бўён минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларини амалга ошириш доирасида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган 13 мингта яқка тартибдаги янги шинам уй-жойлар қурилиши бошланган.

Қурилаётган тизимли чора-тадбирлар фақат ҳисобот даврида 8,4 мингтадан ортиқ ёки 2015 йилнинг шу давридагига қараганда 5,5 фоиз кўп янги кичик бизнес субъектларини ташкил этиш имконини берди. Кичик бизнес субъектларига ажратилган банк кредитлари ҳажми 2015 йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан 1,3 баробар ошди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш натижасида 167,4 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди, улардан 57,7 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Олинган, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустақкамлашга, оналар ва болаларни тиббий парварши қилиш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тадбирлари фол амалга оширилди. Дастур тадбирларини молиялаштириш учун жорий йилнинг биринчи чорагида барча манба ҳисобидан қарийб 1,3 триллион сўм миқдорда маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқди. Депутатлар жорий йилда Давлат бюджети кўрсаткичларининг барча давлат ва ҳўжалик органлари томонидан сўзсиз ва аниқ ижро этилиши заруратини таъкидлаб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

ГАМХЎРЛИК

Пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишлаб ўтказилаётган “Ҳар бир болага меҳр ва эътибор!” ҳафталиги доирасида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Беғубор болалик завқи

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, шаҳар халқ таълими, маданият ва спорт ишлари, адлия бошқармалари ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда пойтахтимизда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва ота-оналар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўсиб келаётган ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама соғлом, билимли, кучли ва албатта, бахтли ҳаёт кечиршини таъминлашга йўналтирилганини таъкидлади. Бинобарин, республикаимизнинг барча ҳудудиде барпо этилган замонавий таълим муассасалари, болалар-ўсмирлар спорт мактаби ҳамда бошқа ўқув масканлари, улардаги энг илгор шарт-шароитлар ёшларимизнинг ҳеч қандам кам бўлмай камол топиши, юксак иқтидор ва истеъдодини кенг намойен қилишида муҳим аҳамият касб этаётди.

“Ҳар бир болага меҳр ва эътибор!” ҳафталиги доирасидаги тадбирларда ҳам давлатимизнинг фарзандларимизга кўрсатаётган юксак гамхўрлиги, меҳру эътиборини ҳис қилиш мумкин.

Сўлим боғда болажонлар

учун махсус байрам дастури, санъаткорлар томонидан концерт намойиш этилди. Шунингдек, “Баркамол авлод” болалар марказлари аъзолари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг кўргазмалари, Ўзбекистон давлат цирки томошалари, Республика кўғирчоқ театрининг чиқишлари кичкинтойларга олам-олам завқ улашди.

Қолаверса, мутахассислар иштирокида юртимизда бола ҳўқуқлари бўйича қабул қилинган қонунчилик ҳўжжатларига оид викиториналар уюштирилди. Бадий гимнастика, Шарқ яккакурашлари шахмат-шашка, стол тенниси мусобақалари, “Отам, онам ва мен” мавзусида расм чизиш бўйича ўтказилган кўрик-танлов жуда қизиқарли бўлди.

— Келажакда етук спортчи бўлмоқчиман, — дейди тазк-вондо бўйича ёшлар ўртасида республика очиқ чемпионати совриндори Собир Одилов. — Ҳозир Шайхонтоҳур туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде машғуллар олиб бораёман. Масканимизда барча шарт-шароит етарли. Яратилган имкониятлардан умумий фойдаланиб, келажакда жаҳон чемпиони бўлмоқчиман.

Таъкидлаш керакки, мазкур ҳафталик Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги маданият масканларида байрамона тарзда ўтказилмоқда.

Дилмурод СОДИҚОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Ўзбекистондаги бир неча тўқимачилик компаниялари фаолияти билан танишиб, ушбу соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга, мамлакатимиздан Жанубий Кореяга тўқимачилик маҳсулотлари экспортини янада оширишга келишиб олдик, — деди “Lotte Mart” компаниясининг тўқимачилик саноати бўйича катта менежери

Хонг Йен Бин. — Юртингизда ишлаб чиқарилаётган рақобатдош маҳсулотлар, яратилган кулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити, экспортчи корхоналарга берилаётган имтиёзлар эътиборга молик.

— Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қаратилаётган алоҳида эътибор

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мазкур ҳўжжатда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, юртимиз бўйлаб уюштирилаётган ушбу аънавий фестивал ёшларни Ватанимиздаги ижтимоий-иқтисодий янгилишлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларда бу жараёнларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш, навқирон авлодни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, “оммавий маданият” ҳамда бошқа турли иллатлар таъсиридан асрашга хизмат қилмоқда.

— Фестиваль доирасида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги таълим муассасалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар, маданият ҳамда истироҳат боғлари, аҳоли дам олиш масканларида 20 га яқин тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши

юксак самаралар бермоқда, — деди Самарқанд шаҳридаги “Bofanda” маъсуляти чекланган жамияти директори Азиз Ахроров. — Маҳсулотларимизни экспорт қилиш бўйича келишувларга эришишда бундай учрашувлар жуда кўл келмоқда. “Lotte Mart” компанияси делегацияси билан корхонамизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларини Корея Республикасига экспорт қилишга келишиб олдик.

Учрашувда Ўзбекистондан Корея Республикасига мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиш бўйича ҳам қатор битимлар имзоланди.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири.

«Ўзбекистоннинг юқори сифатли маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда»

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ҳамда 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез тарққий топаятган бешта давлат қаторидан жой олгани бежиз эмас, — деди у. — Уч йилдан бўён меъмурият тизимини сертификатлаш ва тадбиркорларга халқаро миқёсда тан олинган сертификатлар бериш юзасидан ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Ўзбек компанияларини глобал даражада илгари суриш юзасидан ҳам изчил муносабатларни йўлга қўйганмиз. Шу ўринда давлатимиз иқтисодий жиҳатдан барқарор юксалиб бораётгани тўғрисида у ерда тайёрланаётган юқори сифатли маҳсулотлар жаҳон бозорига дадил кириб бораётганини алоҳида айтишни истардим. Бундай товарларга бутун дунёда, жумладан, Америка ва Европадаги мамлакатларда талаб тобора ортиб бораётгани ҳам ана шундан далолат беради.

«Жаҳон» АА. Рим

Навқирон авлод анжумани



раиси Музаффар Ражаббоев. — Жумладан, депутатлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, актёрлар, халқаро танловлар,

фан олимпиадалари, спорт мусобақалари қоллибери иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари, китоб фестиваллари ташкил қилинаётгани

эртамик эгаларига кўтаринки кайфият, қувонч улашмоқда.

Тарғибот гуруҳи аъзолари дастлаб Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйига таширф буюриб, бу ерда “Ҳеч қим меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” лойиҳасини ўтказдилар. Мулоқотларда, айниқса, жажжи ўғил-қизларнинг ўз келажакларини қандай тасаввур этишлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари барчага манзур бўлди. Ўз навбатида, театр актёрлари томонидан намойиш этилган қизиқарли сахна асарлари болаларда катта таассурот қолдирди.

Чирчиқ тиббиёт коллежида уюштирилган “Сиз севган қаҳрамонлар” номли тадбир ҳам навқирон авлод вакиллари кўнглидан жой олди. Чунки унда қатнашган шоир ва ёзувчилар, таниқли санъаткорлар эртамик эгалари томони-

дан мусиқа ҳамда кино йўналишига оид саволларга жавоб беришди.

Фестивалнинг биринчи кўнидаги лойиҳалар Паркент туманидаги 31-умумтаълим мактабиде давом этди. Ушбу таълим масканда “Диний экстремизм ва терроризм ёшлар келажакига таҳдид” мавзусида анжуман ўтказилди. Ёт гоғлар навқирон авлод истиқболига нечоғли салбий таъсир кўрсатиши ўқувчиларнинг сахна кўринишлари орқали очиб берилди.

Шу кўни Бўстонлик ва Оҳангарон туманларидаги “Ватанимга хизмат қиламан!” ҳамда “Оммавий маданият” ва ёшлар маънавияти” каби анжуманлар ҳам зўр уюшқоқлик билан ташкиллаштирилди.

Фестиваль тадбирлари давом этмоқда.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ

ислохотларнинг устувор мақсадидир

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бу бежиз эмас. Чунки ўтган йиллар давомида соҳада илгор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ҳамда замонавий тизими — қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари фаолияти йўлга қўйилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг ташкил этилгани эса тизимга замонавий технологияларни татбиқ қилиш, тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш имконини бермоқда.

Ортимизда яратилган миллий моделнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, бизда энг чекка аҳоли пунктларида яшовчи фуқароларга ҳам худди шаҳарлардаги каби малакали тиббий ёрдам кўрсатилади. Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган саломатлик ҳафталиклари бунга бир мисолдир. Ушбу ижтимоий акцияда марказимизнинг энг тажрибали мутахассислари қатнашапти.

Айтиш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимида ҳаётга татбиқ қилинаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Оналик ва болаликни муҳофаза этишнинг ўзига хос миллий модели шакллантирилди. Давлатимиз раҳбарининг "2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори фарзандларимизнинг жисмоний ҳамда маънавий камолотини таъминлаш, эл саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда замонавий шифо масканларини бунёд этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган дастлабки босқичдаги чора-тадбирлар туфайли аҳоли саломатлигини янада яхшилашга эришилган бўлса, энди асосий эътибор касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтиришга қаратилмоқда. Мамлакатимиз бўйлаб "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шiori остида бошлангич наватдаги ҳафталикдан кўзланган мақсад ҳам ана шундан иборат. Тадбир давомида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларда мустаҳкам оила қуришга интилишни кучайтириш, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш-тарғибот ишлари ҳам олиб борилади. Шунингдек, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг мақсад ҳамда вазифалари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар, қариндошлар ўртасидаги ҳамда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари каби мавзуларда мулоқотлар уюштириш кўзда тутилган.

...Мазкур ҳафталик доирасида Тошкент вилоятида ҳам бир қатор тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Биз Чирчик туманида уюштирилган саломатлик ҳафталигида иштирок этдик. Тумандаги кўп тармоқли поликлиникада хотин-қизлар, онахонлар, отахонлар, ёш болали аёллар тиббий қуриқдан ўтказилди. — Туманимизда 130 мингга

яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди Чиноз тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Бўстонай Бабанова. — Уларнинг ҳар бири шифокорларимизнинг эътиборида, назоратида. Қолаверса, оила-оилага мутахассисларнинг бирик-тирилгани ҳам аҳоли саломатлигидан мунтазам хабардор бўлиб туришимизга имкон бермоқда. Бу галги қуриқларга Янгийўл ва Куйи Чирчик туманлари аҳолиси ҳам жалб этилган. Саломатлик ҳафталиги доирасида ўтказилаётган тадбирлардан юртдошларимиз жуда мамнун. Буни шифокорлармиз кўригиди бўлган турли ёшдаги фуқароларнинг самимий дил изҳорларидан ҳам аниқлаш мумкин.

Шу кунги тиббиёт муассасасига келаятган одамлар юз-кўзидида шукроналикни кўриб, яратилаётган бундай имкониятлар аҳоли кайфиятини янада кўтариб юборганини ҳис этиш қийин эмасди. Тиббий текширувлар замона-

вий диагностика асбоб-ускуналари, жумладан, флюоробиллар, УТТ ва ЭКГ аппаратлари воситасида ўтказилаётир. Кўрик пайтида хасталиклар аниқлангудек бўлса, ҳар бир бемор учун махсус даволаш ва реабилитация режалари белгиланаяпти. Жумладан, аҳолининг амбулатор шароитда, туман, вилоят шифохоналари ҳамда республика даволаш-профилактика муассасаларида даво-ланиши назоратга олинмоқда.

— Тинч, дориларимиз кунларга етказганига шукр, — дейди мазкур туманда яшовчи 78 ёшли Мафруза ая Давронова. — Қаранг, юртимизнинг ҳар бир гўшаси тобора кўрак қиёфа касб этаётир. Бири-биридан замонавий бинолар қад ростляпти. Буларнинг барчаси истиқлол неъматидир. Ана шундай дамларда бизнинг соғлигимиз ҳақида қайғуришлари руҳимизни кўтарди. Мана, бугун пойтахтдан келган мутахассислар

қабулида бўлдим. Кардиолог, невропатолог, терапевт каби мутахассислар энг замонавий технологиялар ёрдамида тиббий қуриқдан ўтказишди. Жиддий касаллигим йўқлигини эшитиб, хурсанд бўлдим. Шифокорлар саломатлигимни янада мустаҳкамлаш учун нималарга эътибор қаратишим кераклиги хусусида ҳам ўз тавсияларини беришди. Уларга қатъий амал қиламан. Бизга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва гамхўрлик учун Президентимиздан миннатдоримиз.

Чиноз кўп тармоқли марказий поликлиникаси 2014 йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилган бўлиб, бу мажмуа янги бунёд этилган. Мазкур маскан юқори технологияларга асосланган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Она учун фарзанднинг соғломлигидан ортиқ бахт йўқ, — дейди шу ерлик Чарос Йўлдошева. — Давлатимиз томонидан оналар ва болаларга кўрсатилаётган юксак гамхўрлик ҳамда эътибордан хурсандимиз. Бугун тиббий кўрикка беш ойлик ўғлим Мухаммаджонни олиб келдим. Шифокорлар бир зумда саломатлигимизни текширишди, тегишли муолажалар, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришди. Узимнинг ҳам, фарзандимнинг ҳам саломатлиги яхши эканлигини эшитиб, кўнглим хотиржам бўлди.

Яна бир гап. Бундай кенг қамровли тадбирларда вилоят ҳамда туман соғлиқни сақлаш бошқармалари ходимлари пойтахтдан келган малакали шифокорлар билан ёнма-ён иштирок этаётгани уларнинг тажриба орттириши, соҳадаги янгилликлардан хабардор бўлиши, ўзаро фикр алмашиши учун ҳам яхши имкониятдир.

"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шiori остидаги саломатлик ҳафталиги мамлакатимизнинг барча ҳудудида давом этмоқда.

Фурқат САНАЕВ,
Омонулла ФАЙЗИЕВ.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



ЖАХЖ 24 СОАТ ИЧИДА

Электр лампочкалар ишлаб чиқарадиган "Philips Lighting" (Голландия) компанияси ўтган молиявий йилда 25 фоиз акциясини биржага чиқарганди.

Миллиард эмас, миллион

Бироқ бу қутилганидек самара бермади. Мазкур бренд ҳисобот даврида прогноз қилинганидек, 1 миллиард

евро эмас, балки 750 миллион евро даромад кўрди. Активларнинг бозор нархи 3 миллиард еврони ташкил этади.

Ҳамма умид инвесторлардан

Япониянинг автомобил эҳтиёт қисмларини тайёрлашга ихтисослаштирилган "Takata" компанияси АКШнинг "KKR" бренди ҳамда бошқа инвесторлар билан реструктуризация чора-тадбирларини олиб бориш бўйича музокараларни бошлади.

Чунки унинг хавфсизлик ёқичқаларида аниқланган нуқсонлар компания нуфузига ҳамда молиявий ҳолатига жиддий путур етказди. Сармоядорлар билан келишув амалга осса, компания иқтисодий аҳо-



лини яхшилаб олишига умид билдириляётир.

Яна қисқарди

Яқинда Испаниядаги йирик "Banco Popular" молия муассасаси қимматли қоғозлари котировкаси 26 фоиз пасайди. Оқибатда унинг умумий капитали 1,5 миллиард евро камайди.

Шунинг учун мазкур компания охириги тўрт йилда иккинчи бор 2,5 миллиард евролик акция эмиссияга чиқарилишини маълум қилди.

Бундай ҳолат, асосан, ипотека кредитлари ажратилиши билан шуғулланган ушбу ташкилот молиявий-иқтисодий инкироздан жиддий зарар кўрган пайтдан бошланганди.

Ҳам спорт, ҳам транспорт воситаси



Нидерландиядаги "Lorifit" компанияси томонидан гибрид велосипедларнинг навбатдаги электрон моделлари тақдим этилди.

Унда педаллар ўрнига ўзига хос услубда югуриш йўлакчаси ўрнатилган. Ушбу қурилма устида юриб ёки югуриб транспорт воситаси ҳаракатлантирилади.

Пировардида ҳайдовчи очиқ ҳавода ҳам спорт билан шуғулланади, ҳам ўз манзилига етиб олади. Айна пайтда у олти хил рангда ишлаб чиқариляпти.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

БИЛДИРИШ

«Capital realtor group» МЧЖнинг «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 27 майдаги 103-сонидида чоп этилган эълонга қуйидаги ўзгартиришлар киритилмоқда: «Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида ўтказилаётган аукцион савдоси санаси 2016 йил 27 июнь кунини деб ва ушбу аукцион савдосига талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 24 июнь кунини тўхтатилади, деб ўқилсин.

«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.
Хизматлар лицензияланган.

Ёшлик баҳори

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида опера ижрочиларининг "Ёшлик баҳори" республика фестивали бўлиб ўтди.

ФЕСТИВАЛЬ

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда санъатнинг бошқа турлари қаторида опера ривожига ҳам катта эътибор қаратиляпти. Бу борада турли танловлар, фестиваллар, айниқса, "Competitione dell Opera" италян операси ёш ижрочилари халқаро танловининг Ўзбекистонда ўтказилиши операчиларимиз санъати довуғини янада юксакларга кўтарди. 2014 йилдан буён уюштирилаётган "Ёшлик баҳори" тадбири ҳам ушбу соҳада изланаётган йигит-қизлар учун кенг имконият яратишга хизмат қилмоқда.

Кўрик-фестивалда 18 ёшдан 32 ёшгача бўлган 100 дан зиёд профессионал ижрочилар қатнашиш истагини билдирган бўлса-да, ҳакамлар ҳайъати томонидан улардан 41 нафари танлаб олинди. Бир босқичда ўтказилган мазкур фестиваль иштирокчиларининг чиқишлари омма олдиди уюштирилди.

— Ушбу кўрик-фестиваль катта сахналарда қуйлаш имконини берди, —

дейди танловнинг "Ёш ва умидли опера ижрочиси" номинацияси ғолиби Бахтиёр Баҳодиров. — Саҳна устозлар ижод қилган муқаддас даргоҳ. У ерда қуйлаш улкан масъулиятни ҳис этиш баробарида, изланишларимизни устозлар назаридан ўтказишга берилган имкониятдир.

Қатнашчиларнинг ижроси опера хонандалари, бастакорлар, етук мусиқачилардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади. Яқунда Рустам Алимардонов танловнинг биринчи муқофотини қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Ширин Маматова ҳамда Хўжаназар Жумаевага насиб этди. Шунингдек, энг фаол иштирокчилар учун ҳам совринлар тақдим этилди.

Тадбир давомида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида кўрик-фестиваль доирасида истиқлол йилларида Ўзбек опера санъатининг ривожини ва истиқболларини мавзуга бағишланган анжуман ташкил қилинди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ХАЛҚ BANKI **Акциядорлик тижорат**
Халқ банку

локал тармоқни модернизация қилиш ишлари бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Танловда тақлиф этилаётган хизматларни кўрсатувчи хорижий ва маҳаллий фирмалар, ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 3-уй. Телефонлар: (+99871) 120-17-81, 120-17-49. www.xb.uz E-mail: marketing@xb.uz
2. Танлов мақсади — акциядорлик тижорат Халқ банку биносидаги локал тармоқларни модернизация қилиш.
3. Танлов ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали ёки www.xb.uz сайтидан олиш мумкин.
4. Тижорат тақлифлари (нарижлар бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 16 июнь Тошкент вақти билан соат 17.00 гача қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) лавозимларга танлов эълон қилади.

Т/р	Кафедра номи	Лавозими
1.	Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси	катта ўқитувчи
2.	Меҳнат муҳофазаси ва экология	ассистент
3.	Ижтимоий фанлар	доцент, ассистент
4.	Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси	ассистент
5.	Костюм дизайни	катта ўқитувчи
6.	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш	ассистент

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ҳамда аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширадидлар.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, танловда қатнашувчилар синов дарслари ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 208-хона.
Телефон: (0-371) 253-17-78.

«AGROSANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ Қашқадарё филиали

очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

2016 йил 14 июнь кунини соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди бўлиб ўтказилган аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2013 йил 3 майдаги 17127-17128-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Қарши шаҳри, Шайхали кўрғончаси, «Кўприк йўли қурилиш бошқармаси» ШК ҳудудида сақланаётган, «Самкоравтодорбизнес» Ўзбекистон — Жанубий Корея кўшма корхонасига тегишли бўлган асфальт ишлаб чиқариш заводи ва эҳтиёт қисмлар қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 1 100 000 000 сўм.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 47-уйда ўтказилади. Талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 10 июнь кунини соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар закатлат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «Agrosanoat mulk markazi» МЧЖ Қашқадарё филиалининг акциядорлик тижорат «Қишлоқ қурилиш банк»даги МФО: 00155, СТИР: 207181937, 20208000200221739002 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилишлари керак.

Аукцион савдосида қатнашиш учун:

- юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закатлат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 47-уй.
Мўлжал — «Алоқабанк»нинг Қарши шаҳар филиали. Телефонлар: (+99891) 452-24-51, (+99893) 903-00-76.
www.asmm.uz Гувоҳнома: 006388.

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, ФИБ Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг 2016 йил 4 апрелдаги 1-1370/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Дўстлик» ҚФЙ ҳудудидаги 3,0 гектар ер майдонида жойлашган, фойдаланиш майдони 519,82 кв.м., қурилиш ости майдони 942,52 кв.м.дан иборат бўлган ғишт ишлаб чиқариш бино-иншоотлари.
2. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Мажнунтол 4-берк кўчаси, 14-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 215,72 кв.м., қурилиш ости майдони 331,02 кв.м.дан иборат бўлган тураржой (ҳовли).

Бошлангич баҳоси — 340 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 7 июль кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.
Хизматлар лицензияланган.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ САОДАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Ўзбекнаво", "Ўзбектеатр" бирлашмалари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон уюшмаси, Республика Маънавият тарбиёт маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган ушбу тадбирларга қизиқиш катта.

Республика Ишчи гуруҳи томонидан белгиланган тартибга мувофиқ, санъаткорлар, театр ва кино намояндлари, шоир-ёзувчилар, маънавий тарбиётчиларидан иборат гуруҳлар умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ҳамда

олий таълим муассасаларида бўлиб, ёшларга истиқлолнинг мазмун-моҳияти, бугун эришилаётган тарихий муваффақиятларимизнинг асл негизи ҳақида қизиқарли суҳбатлар уюштироқда. Бундан кўзланган эзгу мақсад эртаимиз эгаларида ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, уларга тинчликнинг қадрига етиш, мустақиллик улугъ неъмат эканини, уни асраб-авайлаш лозимлигини, турли бузғунчи ғояларга қарши маърифат билан курашиш кераклигини тушунтиришдан иборатдир. Ўтказилган тадбирлар давомида шу нарса аён бўлдики, ёшларимиз жамиятда кечаётган жараёнларга асло бефарқ эмас. Аксинча, улар эришилаётган галабалар, турмушимиздаги ўзгаришлар, маънавий-маданий соҳалардаги юксалишлар ҳақида тўлқинланиб гапиришдики, бу ҳар биримизга фахру гурур бағишлади.

Чиндан ҳам, замонавий тарихимиздаги энг нурли ва шонли воқеалар айнан мустақиллик билан боғлиқ. Истиқлол бизга ўзликини англаш саодатини тўхфа этди. Ўзлигини англаган инсон эса ўз қадр-қимматини ҳам теранроқ тушуниб етади. Шу маънода, биз тарихнинг бурилиш даврида яшамокдамикки, бу ҳар биримиздан дунёқарашимиз, тафаккуримизни ўзгартиришни талаб қилади. Зеро, мустақиллик осонликча қўлга киритилгани йўқ. Миллий истиқлолга машаққатли ҳамда шарафли курашлар давомида шу нарса аён бўлдики, ёшларимизда бўлиб ўтган ана шу долғали воқеаларни ҳар томонлама ўрганиш навқирон авлод учун жуда муҳим.

Тарих — чин мураббий. Кечаги кунини унутган, ўтмишини билмайдиган инсон, жамият эртанги улугъ мақсадларига етолмайди.

Мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқлар кўламини тасаввур этиш, моҳиятини англаш учун бугунги ҳаётимизни кечаги кунларимиз билан таққослаб қўришни энг кифоя. Ҳар биримиз ўз ҳаётимиз, оиламиз, қишлоғимиз, шаҳримиз миқёсидаги ўзгаришларни кўз олдимизга келтирсак, муваффақиятларимизнинг барчаси юртимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат, қолаверса, бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати натижаси экани аён бўлади.

Албатта, Ватанимиз тараққиёти йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, улғувор мақсадлар рўёбига ҳисса қўшиш, мустақиллигимизни кўз қорачиқидек асраш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Бунинг юрдошларимиз, хусусан, ёшларимиз онгига чуқур синдириш эса ўзбек зиёлиларининг энг долзарб вазифалари сирасига қиради.

НОДИР ҚОСИМОВ,
Республика Маънавият тарбиёт маркази раҳбари вази фасини бажарувчиси.

Спорт

Шахматчиларимиз пешқадамлар сафида



Пойтахтимизда шахмат бўйича XV Осиё чемпионати давом этаётди. Кунги кеча олтинчи тур ўйинлари якунланди.

Терма жамоамиз етакчиси Рустам Қосимжонов дастлабки босқичларда Ноаман Омар (БАА), Алиризо Фирозия (Эрон), Бабу Лалит (Ҳиндистон) устидан зафар кучган бўлса, Баярсаихан Гундаваа (Мўғулистон) ва Сурия Шехар Гангули (Ҳиндистон) билан дуранг ўйнади.

У олтинчи турда ҳам хитойлик Янг Вен билан муроса йўлини танлади. Шундай қилиб, тажрибали гротсмейстеримиз тўрт ярим очко тўплаб, кучли учлик сафида бормоқда. Яна олти нафар шахматчи, шу жумладан, ўзбекистонлик Жаҳонгир

Воҳидов ҳам Рустам билан бир хил очко жамгарган. Ушбу икки вақилимиз еттинчи турда ўзаро дона сурадилар.

Хотин-қизлар ўртасида эса вақилимиз Гулруҳбегим Тохиржонова учтадан талаба ва дуранг билан 4,5 очко тўплаб, ҳозирча иккинчи бўлиб турибди.

Гулруҳбегим еттинчи турда хитойлик Ли Ксюйи билан баҳслашади.

Гимнастикачилар мусобақаси

2003 — 2010 йилларда туғилган қизлар ўртасида бадий гимнастика бўйича "Қамолот" кубоги учун халқаро турнир ниҳоясига етди.

Пойтахтимиз мезбонлик қилган мазкур мусобақалар "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилди.

Унда мамлакатимиз вақилларидан ташқари, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистондан юздан зиёд ёш гимнастикачи қатнашди.

Яқунда ўз тоифалари бўйича спортчиларимиздан Сўғдиёна Абдуразақова, Раъно Исмолова, Анастасия Степаненко, Айнура Музаффарова, Самира Юсупова, Сабина Ҳамидуллаева, Диёра Ҳамидуллаева, Дилшода Салимова, Диёра Маннонова, Зилола Манқулова, Самира Гусенова, Ойдина Қосимжонова голиб ҳамда совриндорга айланди.



Теннисчиларимиз ишончни оқлади



Японияда Халқаро теннис федерацияси томонидан ўтказилган "Karuzawa — 2016" нуфузли турнирида Ўзбекистоннинг биринчи рақамли ракетка устаси Ниғина Абдураимова ўзига билдирилган ишончини тўлиқ оқлади.

У финалга қадар мезбонлар — Хаине Огата (6:1, 6:3), Юрина Кошино (6:3, 6:1), Мана Аюкава (6:2, 6:3) ҳамда голландиялик Инди де Врум (7:6, 7:6) устидан зафар кучди. Хал қилувчи баҳса эса турнир фаворити бельгиялик Ан Софи Местачини мағлубиятга учратиб (6:3, 7:5), бош совринни қўлга киритди.

Анджонда бўлиб ўтган "Фьючерс" халқаро турнирида ҳам юртдошларимиз муваффақиятли қатнашди. Африка, Америка, Европа ва Осиё қитъалари теннисчилари голиблик учун кураш олиб борган матчларда ўзбекистонлик иқтидор эгалари Темура Исмоилов ҳамда Сабина Шарипова биринчи ўринни эгаллади.

Темура финалда Хитой Тайпейидан келган Ти Ченга қарши кечган муросасиз ўйинни ўз фойдасига ҳал эта олди — 2:6, 7:5, 7:5. Сабина хотин-қизлар йўналишида россиялик Вероника Кудерметовага ҳеч қандай имконият қолдирмади — 7:5, 6:0.

САИДЖОН МАХСУМОВ
тайёрлади.

Бунёдкорлик

Наманган шаҳрида "Наманган китоб олами" мажмуаси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда вилоят, шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, адабиёт ихлосмандлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда кенг жамоатчилик вақиллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар хусусида тўхталиб, бунда аҳоли, айниқса, ёшлар дунёқарашини кенгайтиришда китобнинг беқиёс тарбиявий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратдилар. Жойларда барпо этилаётган кутубхоналар, китоб дўконлари келажагимиз эгаларида юксак инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қилмоқда.

Тўрт қаватли муҳташам иншоотни куриш учун 400 миллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Бу ерда китобхоналар учун барча шарт-шароит яратилган бўлиб, унинг биринчи қаватида ўқув зали ва тамадхона ўрин олган. Иккинчи қават китоб савдосига мўлжалланган. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ тўрт минг номдаги 30 миңдан ортиқ адабиётлар пештахталарга қўйилди. Бинонинг оқори қаватларида хорижий тилларни ўқитиш маркази иш бошлади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эзгу анъаналар давом этмоқда

Ёши улугъ инсонларни эъзозлаш, иззат-икром кўрсатиш халқимизга хос юксак фазилатлардан биридир. Бу эзгу анъана мустақиллик туғайли янги маъна-мазмун билан бойиди. Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ қилинаётган қатор қонунлар, дастурлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида нурунийларга муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий, пенсия таъминоти ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш саъй-ҳаракатлари кенг қўламли қилмоқда.

ЭЪТИБОР

Бу эса кексаларга маънавий-руҳий мадад бўлиб, улар қалбидида шукроналик ва миннатдорлик туйғуларини кучайтираётди.

Қарияларни қадрлашдек олижаноб мақсад йўлида Самарқанд вилоятининг Пайриқ туманида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Аввало, юртимиз бўйлаб амалга оширилаётган ўзгариш ҳамда янгиликлар бизнинг гўшамизга ҳам ўзгача чирой бағишлаганини, айниқса, қишлоқларимизгина кам обод манзилларга айланганини таъкидлашни истардим. Киши бахридидини очадиган сўлим истироҳат боғи, "Ёшлар маркази", амфитеатр, мусикали фавворалар, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, бири-бирдан кўркам тураржой бинолари, замонавий тиббий, таълим, мусика ҳамда санъат масканлари... Санайверсак, адо бўлмайди. Бундай бунёдкорлик, фаровон турмуш аҳоли барча қатлами, хусусан, кекса авлод вақилларини беҳад мамнун этаётди.

Бугунги кунда туман аҳолисининг 14 миң 700 нафардан

зиёди пенсия ва нафақа таъминоти билан қамраб олинган. Уларнинг 12 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 280 нафардан ортиги фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ҳисобланган. Дарвоқе, ўнга яқин юз билан ўзлашган отахону онахонларимиз бор. Ибратли умр йўлини босиб ўтган, бугун эл-юрт ардоғида яшаётган бу нурунийларни ҳар байрамда совға-салом билан йўқлаш хайрли анъана тусини олган. Мазкур ишларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вақиллари ҳамда ёшларимиз фаол ва ташаббускор бўлаётгани эътиборга моли. Қолаверса, кексаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш, уларнинг саломатлигини тиклаш юзасидан белгиланган аниқ манзилли чора-тадбирлар ҳам амалий тасдиқини топаётди.

Шунингдек, фахрийларимиз учун ҳар йили Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари юртимизнинг қадимий ҳамда навқирон шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилмоқда. Бу

гўзал манзиллардаги муқаддас қадамжо ва тарихий обидаларни, истиқлол йилларида қад ростилаган замонавий иншоотларни томоша қилиб қайтган отахону онахонларимизнинг бир олам таассуротларини тинглашнинг ўзи кишига завқ, сурур бахш этади.

Чиндан ҳам, катта ҳаётий тажрибага эга, бугун давралар тўридан жой олиб, ҳар бир эзгу ишнинг бошида турган, панду насихатлари билан ёшларни тўғри йўлга етаклаётган, хонадонларимиз фазиси бўлган кекса авлод вақиллари чексиз эътиборга муносиб ҳаётини яшашмоқда. Ўз навбатида, улар жамиятда соғлом муҳитни мустақамлаш, ёшларни она-Ватанга, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Инсон доимо меҳр-эътиборга талпиниб яшайди. Бировдан яхшилик кўрсанг, ширин сўз эшитсанг, қўнглинг тоғдек кўтарилади. Юртимизда кексаларга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани уларнинг умрига умр қўшаётгани, шубҳасиз. Энг муҳими, мана шу эзгулик таъсирида ёшларимиз мўътабар қарияларни рози қилиб, дуосини олишдек улугъ ҳамда савоб ишга интиломқдалар. Ўлмас қадрият ва анъаналаримиз давом этаётди.

ИБДОУЛЛА УМИРОВ,
«Нуруний» жамгармаси
Пайриқ тумани бўлинимаси раиси.

Китобхоналарга тўхфа

Мулкчилик шаклидан қаты назар, идора, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

2016 йил 8 июндан 11 июнча «Ўзэкспомарказ» МКК АЖнинг 3-павильонида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия санюати масалалари комплексига кирган компания ҳамда хўжалик бирлашмаларининг тармоқ санюат ярмаркаси бўлиб ўтади.

Тармоқ санюат ярмаркасининг кўргазма стендида «Ўзметкомбинат» АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган қўйидаги маҳсулотлар тақдим этилади:

- ◆ кооперацион алоқалар доирасида етказиб бериш учун таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг янги турлари;
- ◆ 2016 йилда ўзлаштирилиши режалаштирилган ва ўрта муддатли истиқболли маҳсулотларнинг янги турлари;
- ◆ «Ўзметкомбинат» АЖ томонидан импорт қилинаётган, мамлакатимиз корхоналарида ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўзлаштириш учун санюат ярмаркаси доирасида таклиф этилаётган маҳсулотлар.

Барча манфаатдор шахсларни тармоқ санюат ярмаркасида қатнашишга таклиф этамиз!



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO., LTD.

- ▶ Экскаваторы колесные и гусеничные
- ▶ Экскаваторы-погрузчики
- ▶ Фронтальные погрузчики
- ▶ Мини-погрузчики

GST OIL
Официальный дистрибутор в Узбекистане

Моб. (+998 98) 123-48-30.
Тел.: (+998 71) 269-29-62,
(+998 71) 269-29-63.
Факс (+998 71) 269-29-60.

Ўзбекистон,
100050, г. Ташкент,
ул. Исеникув, 118,
gsthundai@gmail.com

Товар сертифицирован

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошидаги Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти жамоаси кичик илмий ходим Мунис Жураевага отаси
Юнус ҲОҚОВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки жамоаси бошқарма бошлиғи Дилшод Икромовга онаси
Раъно ИКРАМОВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 113 851 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетимиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўламақлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.55 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6